

КОРРУПЦИЯ

хорижий мамлакатлар давлат ва ҳуқуқ тарихида унга қарши курашиш масалалари

Ўз бойлиги билан мағрурланадиган одамлар давлат идораларини коррупцияга тортиш орқали жазодан қутулиб қолиш ёки пул ва бошқа турдаги совғалар эвазига кечирилишлари тўғрисидаги ишонч асосида бемалол жиноятлар содир қилишади...

Коррупция – даврлар оша ўсиб келаётган илдиз бўлиб, у ҳар хил орзу-ҳаваслар ортидан бирортаям қонунни менсимасликдир.

Томас Гоббс, XVII аср

Исоният тарихида давлатлар шаклланишдан буён коррупция уларни ичдан емиришган ижтимоий иллат сифатида вуқудга келди, ҳокимият ва бойлик учун хирслар таъсирида ривож топди. Ҳоким авж олиб бораётган глобализм жараёнида бу дахлалани иллатнинг бир давлат эмас, бутун бир вилоятга ёки жаҳон тараккиётига таҳдид солувчи тури – халқаро коррупция пайдо бўлди. У демократия ва ҳуқуқ устуворчилиги асосларида пугур етказди, шундан ҳуқуқларнинг қўпол равишда бузилишига олиб келади, интиқосий ривожланишни илдан чиқаради, жамият ва давлат учун ўта хавфли бўлган уюшган жиноятчилик ва терроризмнинг кен ёйилишига шарт яратиб беради.

Адабиётларда коррупция тушунчасига қуйидагилар таъ-

риф берилди: «Коррупция (латинча corruptio – айниги, порага сотилиш) – сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий хавфли ҳолат, давлат функцияларини бажариш вазифасига эга бўлган шахсларнинг қонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон беришдир». Ҳокимият даражаси коррупция мувожаҳида жаҳондаги иллатли мамлакатда дуч келиш мумкин. Бироқ бу коррупция ҳамма жойда бир хил дегани эмас. Коррупциянинг юзига келиш сабаблари ҳамма жойда турлича бўлиб, тарихий давр ҳамда ижтимоий-интиқосий ривожланиш хусусиятларига

боғлиқ бўлади.

Ўтмишга назар ташласак, жаҳон тарихининг турли даврларида ҳар хил давлатлардаги катта-кичик мансабдорлар томонидан коррупцияга оид жиноятлар содир этилгани, коррупцияга қарши қонунлар қабул қилиниб, ўзига хос жазолар тайинланганининг гувоҳи бўламиз.

Бошқа ҳукмдори Хавмуриши қонунлари бу турдаги қонунларнинг энг қадимийси. Унда, жумладан, агар қозиларнинг қўриб чиқиб, ҳукм чиқариб, муҳри билан ҳужжат тайёрласа, кейин эса ҳукмнинг ўзгартирса, ўз қарорини ва иллати даъво мисдорини ўзгартирилганликда айблангани ва даъво суммасининг 12 баравари миқдоридан жарима билан жазоланиши, бундан ташқари, қозилар кешанидан хайвонини ва бу лавозимга боғлиқ қайтмаслиги лавозимни белгилан қўйилган.

Судьяларга пора бериш дўшнинг барча динлари томонидан ҳам қоралangan. Жумладан, Қуръонда: «Бир-бирларинингнинг мулкларининг ноҳақ ўзлаштириб олманлар ва бошқаларнинг мулкларини ўзлаштириш иллати-

Ўтмишга назар ташласак, жаҳон тарихининг турли даврларида ҳар хил давлатлардаги катта-кичик мансабдорлар томонидан жиноятлар содир этилгани, коррупцияга қарши қонунлар қабул қилиниб, ўзига хос жазолар тайинланганининг гувоҳи бўламиз.

да қозиларга рибо берманлар», – дейилган.

Одил судлов тизимида коррупцияни тугатиш юзасидан қадимги форс давлати – Ахамонийлар салтанатида шафқатсиз жазолар бериш орқали кураш олиб борилган. Хусусан, тарихчи Геродотнинг хабар беришича, шох Кир II нинг ўғли Камбис II даврида тарафларнинг биридан пора олгани учун Сисамн исмли судьянинг тириклайин териси шилиб олинди, ўтириган курсига тортиб қўйилган ҳамда унинг ўғли шу вазифага тайинланган, токи судда уни кўраётган чоғда қайси қурда ўтириганини унутмасин. Ана шундан сўнг қадимги форс судьялари орада бирорла ҳам порахўрлик ҳолати аниқланмаган.

Ўрта асрлар Рус давлатида Иван III коррупцияни қонуни асосида чеклаб қўйган бўлсада, Иван Грозний даврида унга қарши жиддий кураш олиб борилган. 1556 йилда у мансабдорларнинг «тирикчилиги»ни расман бекор қилган, маънақда тоғатирлик ва порахўрлик учун ўлим жазаси берилга бошлаган. Хусусан, бир дьяк (князь котиби) белгиланганидан ортиқ тапталар ва қовурилган гоз олгани учун ўлимга ҳукм қилинган.

Қўпгина даврларга кўра Ўрта асрлар Европасида ҳукмронлик қилган католик черковининг ўзи коррупциянинг марказида турган. Уша пайтдаги индустриализациялар (гулоҳини кечирини ва шу ҳақда Рим папаси томонидан берилганидан ёрлик) савдоси, черковга оид лавозим ва мартабаларни сотиб олиш коррупцияга яққол мисол бўла олади.

Ўрта асрларда Европада порахўрларга нисбатан тўртта бўлиб қолини, чархпалаққа тортиб қатл этили, осили, оловда ёқили, қўлларини кесили, қизилган ётга тириклайини ташлаб юборили каби мисли қўрилмаган жазо чоралари қўлланилган.

XVII аср бошларида Голландия ҳукумати томонидан «хаводан савдо қилини» тақиқланган фармон чиқарилган. «Хаводан савдо қилини» деганда, битим вазнида сотувчининг хавоний эгаллигида бўлмаган акциялар билан амалга оширилганини операциялар тушуниланган. Аср охирига бориб эса адвокат Николаас Майе ван Хоули барча битимлар расман руйхатта олиниши ва уларга солиқ солинишига эришган, унга қадар эса назорат қилинмайдиган битимларда сунителамол қилини ва порахўрлик ҳолатлари бўлгани ўз-ўзидан маълум. Тарихчиларнинг фикрича, Голландияда XVIII асрда пора олинига нисбатан ҳам солиқлар машқуд бўлган. Генерал-губернатор йиллик маоши 700 гульден бўла туриб, бир йилда 10 миллион гульден миқдорда бойлик тўплаган. Кичкина бир соҳувчи ойнага 40 гульден маоши бор жойга тайинланиши учун расман 3500 гульден солиқ тўлаган ҳамда бу мансабдан бир йилда 40 минг гульденгача даромад олган.

Ушбу даврда Англияда ҳам давлат ва хусусий полия машқуд бўлиб, исалексини ҳам «сотиб олини» мумкин бўлган. Лондондан тартиб учун бюджетдан маош оладиган иска пафлар маршал фақият олиб борган. Тарихчиларнинг маълум қилишича, 1712 йилда кичик маршал

ANNOTATION:

Sahodulla Shomirzaev – Senior teacher of higher military customs institute, Captain of customs service in his article under the name «Corruption: matters on fight against it in the history of foreign countries and law» has given several opinions and ideas about that since formation of countries in human history, corruption has appeared as a social ailment ruining them from inside, in the current progressive globalization process this terrible ailment has a type threatening not only development of one country, but region of whole continent or world – international corruption, it ruins basis on leadership of democracy and law, causing serious violation of human rights, corruption is an ailment that does not choose place and time, negatively effects government management, ruins society life from inside, and fight against it – is a main task of each country, as well as principle duty of each society and citizen before their nation and country.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса коррупция халқаро муаммо сифатида тан олинди. Корпорацияларнинг чет давлат олий мансабдор шахслари билан тил бириктириши оммавий тус олди. Глобаллашув бир давлатдаги коррупция куплаб мамлакатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатишига олиб келди.

лавозимини Чарльз Хитчен деган қимса 700 фунтга сотиб олган. Бу одам ўз пулларини «қандай чиқариб олини»ни яқин билган, яъни ливезиясиз савдогарлардан, фоҳишахона эгаларидан ва полиядан қозиб юргачлардан пора олган. Ўғиллар билан тил бириктирган, бирга шиланини хоҳлаган ўғилларни қаманган. Коррупциянинг қучайиши унга қарши қаттиқ қуралини заруратини исказга келтирган. Натияжада ўша даврда Англияда «қизил шидит ўтказили» деган ибора пайдо бўлган. Бунинг маъноси шунки, кема анжомларининг барчасидан қизил шидит ўтказиб қўйилган, бутул мато ёки арқонини қизил шидит ўтириланини иложи бўлмаган ва кичкина парчалани ҳам ҳукумат мулкисини таниб олини мумкин эди.

Ўрта асрда ривожланган мамлакатларда коррупция

эволюциясининг янги босқичи бошлади. Бу давлат бошқарувиининг мустахкамланиши, шунингдек, йирик бизнеснинг ривожланиши ва унинг сиёсий тизимга арқаланшига уришчилари билан боғлиқ эди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб аса коррупция халқаро муаммо сифатида гап олинди. Корпорацияларнинг чет давлат олий мансабдор шахслари билан тил бириктириши оммавий тус олди. Глобаллашув бир давлатдаги коррупция қўлиаб мамлакатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатишига олиб келди. «Financial Times» газетаси 1995 йилни «Коррупция йили» деб эътибор қилган бўлса, IMF коррупция ҳақидаги ёнми-ларни тартиб қилиш мақсадида 9 декабрни «Халқаро коррупцияга қарши кураш кўни» деб эътибор қилди.

Юридатилардан келиб чиқиб, шунинг айтиши мумкинки, коррупция макон ва замон талламийланган, давлат бошқарувида салбий таъсир кўрсатиб, жамият ҳаётини пиддан чиқарадиган иллатдир. Унга қарши курашнинг ҳар бир мамлакатининг асосий вазифаси, ҳар қандай жамият ва ҳар бир фуқаронининг ўз давлати ва халқи олдидаги бурчидир. Чунинчи, Президентимизнинг Ўзбекистон Олий Мажлисининг VIII сессиясидаги «Янгилашни ва ўзгартиришлар жараёни ортга қайтмайди» номли маърузасида шундай таъкидлашқиди:

«Барчамиз бир ҳақиқатни ҳаёлимиздан чиқармаслигимиз зарур. Яъни, ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик шарт-шароитларга қатъий жавоб бериши – барин-бир ўз қуввиши, қўлавержа, ўз аърақлигини ўтказишига ҳарқат қўлаверсан тизим бўлиб қўлаверсин.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари, асосан, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устида жамият ҳамда фуқаролар назоратининг ўрнатилган бугун дунда қонунбузарликка, берилган вақолат ва вазифасини сунистеъмоқ қилишига, коррупцияга қарши, айни пайтда, бирча ўёбо-шмачлик ва волеогаристик қарорларни қабул қилишнинг олдин оланига қаратилган чора-тадбир деб гап олинқиди».

Саҳодулла ШОМИРЗАЕВ,

Олий ҳарбий божона институти катта ўқитувчиси, божона хизмати каттагани

Taqriz

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, атроф-муҳитни муҳофаза этишнинг институционал ва ҳуқуқий базасини яратиш йўлидаги ишлар, Ўзбекистоннинг экология соҳасидаги қатор халқаро конвенцияларга қўшилиши ҳамда улардаги мажбуриятларни бажариш орқали бундан йигирма-ўттиз йил олдин ўнглаб бўлмасдек туюлган экологик муаммолар изчиллик билан ҳал этиб борилмоқда. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида атроф-муҳитни муҳофаза этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни юритмоқда.

Соҳага оид бир қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сонли қарорига асосан «2013–2017-йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури» тасдиқланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Экологияга оид қонунларни мунтазам таҳлил қилиш, шубҳасиз, қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш ва такомиллаштиришга, ислохотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш долзарб муаммолардан бири бўлиб, уни илмий назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу ҳақда гап кетганда, юридик фанлар доктори, профессор Жуманазар Холмўминовнинг «Правовые вопросы экологии и охраны окружающей среды» мавзусидаги монографиясида ҳам қатор илмий таклиф ва янги ғоялар илгари сурилганини айтиш жоиз.

Ўн бобдан иборат мазкур монографияда экология ва биосфера тушунчаси, экологиянинг ривожланиши ва глобал экологик инқирозлар масаласи, атроф-муҳитни сақлаш ва муҳофаза қилиш, давлатнинг экологик функциялари ҳамда экологик муаммоларни ҳал қилишда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг роли ва моҳияти, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг принципларини ўрганишга катта эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, экология соҳасидаги жавобгарлик тушунчаси ва унинг турлари, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар тушунчаси ва турлари, жумладан ер, сув, ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари ёритилган. Хорижий мамлакатларда табиий ресурслардан нотўғри фойдаланганлик учун юридик жавобгарлик тажрибаси ҳамда бу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифалари хусусида ҳам тўхталиб ўтилган.

Монография Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонун ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган бўлиб, талабалар, магистрлар, илмий тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Миродилжон БОРОТОВ,

юридик фанлар доктори, профессор

